

## МАҚСАД — ЖАҲОН БОЗОРИДА ЎРИН ЭГАЛЛАШ

Миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) битимларига мувофиқлаштириш аъзоликнинг муҳим шартидир.



Давоми → 2-бетда

Регионы

ЦЕНТР, ОБЕСПЕЧИВАЮЩИЙ КАЧЕСТВО И СКОРОСТЬ ДОСТАВКИ АГРОПРОДУКЦИИ

Продолжение → 6 стр.

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ГАЗЕТА / IQTISODIY GAZETA

#30 (3121) 18.04.2024

# BIZNES DAILY

# BIRJA

GAZETA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGI KO'MAGI BILAN CHOP ETILADI

WWW.BUSINESSDAILY.UZ

## TO'QIMACHILIK TARMOG'INI RIVOJLANTIRISH CHORA-TADBIRLARI MUHOKAMA QILINDI

Prezident Shavkat Mirziyoyev raisligida 16-aprel kuni to'qimachilik sohasida eksport va investitsiya hajmlarini oshirish chora-tadbirlari yuzasidan videoselektor yig'ilishi o'tkazildi.

To'qimachilik barcha hududlarimizda keng tarqalgan va aholini eng ko'p band qilgan salohiyatli sanoat tarmog'idir. Bugungi kunda 6 mingdan ziyod korxonada 570 ming kishi ish bilan ta'minlangan.

So'nggi yillarda investitsiyalar va yangi texnologiyalar faol jalb etilgani tufayli sohada natijadorlik jadal oshgan. Masalan, o'tgan yili 8 milliard 200 million dollarlik to'qimachilik va tikuv-trikotaj mahsulotlari ishlab chiqarilgan. Bu ko'rsatkich 7 yil oldingiga nisbatan 4,2 baravar ko'p.

Shuningdek, 2023-yilda tarmoqdagi eksport 3,1 milliard dollar bo'ldi. Bu yil yana uchta yangi bozorlarga chiqilib, eksport geografiyasi 83 ta davlatga yetdi.

Biroq uning tarkibi tahlil qilinsa, muayyan kamchiliklar ham ko'zga tashlanadi. Masalan, tayyor tovarlar eksportida yuqori qo'shilgan qiymatli mahsulotlar ulushi kam. Eksportning qariyb 80 foizi an'anaviy bozorlarga to'g'ri kelayapti. Yevropaga eksport hajmi kutilganidek emas.

Rivojlangan davlatlar bozoriga yoki brendlarga eksport hajmini oshirish uchun xalqaro standart va sertifikat talab etiladi. Lekin bizdagi atigi 175 ta korxonada bunday talablarga javob beradi. 18 ta tumanda to'qimachilik mahsulotlari ishlab chiqarish yillik hajmi 1 million dollarga ham yetmaydi.

Yig'ilishda shu kabi tahlillar asosida tarmoqdagi ulkan imkoniyatlar ko'rsatib o'tildi.

"Boston Consulting Group" xulosasiga ko'ra, bizdagi xomashyo bilan kamida 15 milliard dollarlik mahsulot ishlab chiqarish, yana 500 mingta yangi ish o'rni yaratish imkoniyati bor.

Masalan, yurtimizda 1 kilogramm ip-kalavanning tannarxi jahondagi narxlardan o'rtacha 28 foiz arzon. Bu - tayyor mahsulotni ko'paytirish va raqobat uchun juda katta imkoniyat.

Moliyaviy qo'llab-quvvatlov ham bor. O'tgan yil boshida gazlama, bo'yash-pardoqlash,



tayyor tikuv-trikotaj loyihalari uchun 50 million dollar resurs ajratilgan. Bu mablag' ishlatilganidan keyin, yana 100 million dollar yo'naltirish rejalashtirilgan.

Davlatimiz rahbari bu imkoniyatlardan oqilona foydalanib, hududlarda loyihalarni va ish o'rinlarini ko'paytirish kerakligini ta'kidladi.

**– Bu sohada yagona to'g'ri yo'limiz – mavjud xomashyoni to'liq qayta ishlash orqali yuqori qo'shilgan qiymat yaratish va an'anaviy arzon bozorlardan, yangi bozorlarga kirib borish, – dedi Shavkat Mirziyoyev.**

Ishlab chiqarishning qulay yo'llaridan biri – yirik korxonalar filiallarini mahallalarda ochish. Masalan, Samarqand shahridagi



"Zarafshon tekstil" fabrikasi 11 ta hududiy filial ochgan. Buning afzalligi shundaki, ortiqcha vaqt va xarajat qilib, yangidan standart joriy qilish yoki sertifikat olish shart emas. Shu bois bu amaliyotni kengaytirish zarurligi qayd etildi.

To'qimachilik korxonalarini uchun eng muhim masalalardan biri bu – xomashyo. Mamlakatimizda 1 million 300 ming tonna tolani qayta ishlash quvvati bor. Lekin hozirda 1 million tonnaga yaqin tola tayyorlanmoqda. Shu bois paxta yetishtirish tannarxini kamaytirish va hosildorlikni oshirish zarurligi ta'kidlandi.

Paxta-to'qimachilik klasterlarining faoliyatiga ham to'xtalib o'tildi. Ularning barqaror faoliyatini ta'minlash bo'yicha takliflar muhokama qilindi.



Videoselektor yig'ilishida 100 dan ortiq tadbirkorlar ishtirok etdi. Prezidentimiz ular bilan muloqot qildi.

Tadbirkorlar to'qimachilik korxonalarini qurish, qo'shilgan qiymat solig'ini bir kunda qaytarish amaliyotini kengaytirish, eksportoldi kreditlar olishni soddalashtirish, arzon moliyaviy resurslar ajratish, milliy mahsulotlarni ommalashtirish bo'yicha muammo va takliflarini aytdi.

Mutasaddilarga bu masalalarni chuqur o'rganib, amaliyotga joriy etish, zarur bo'lsa, qonunchilikni takomillashtirish vazifasi qo'yildi.

Sohani kompleks rivojlantirishda "O'zto'qimachilik sanoati" uyushmasi muhim o'rin tutadi. Shu bois endi uni to'qimachilikning har bir yo'nalishidagi tadbirkorlardan iborat Kengash boshqaradi. Har bir viloyat bo'yicha uning vakillari saylanadi. Uyushma xodimlari klasterlar va to'qimachilik korxonalariga ishlab chiqarish, investitsiya, eksport va ish o'rinlarini ko'paytirishga ko'maklashadi.

Brendlar bilan ishlab, xalqaro sertifikatga ega eksportchilar sonini oshirish, Yevropa davlatlarida keng qamrovli targ'ibot tadbirlarini o'tkazish muhimligi qayd etildi.

Klasterlarda ilm-fan va amaliyot uyg'unligini ta'minlash maqsadida tadqiqot va rivojlantirish (R&D) guruhlarini tashkil qilish taklifi bildirildi.

Yig'ilishda muhokama qilingan masalalar yuzasidan mutasaddilar axborot berdi.



Биржа саноати ривожі:  
Тенденция ва истиқболлар



Совместное партнерство в целях развития стартап-экосистем



7 стр.

ОТДЕЛ РЕКЛАМЫ

РЕКЛАМА ВА E'LONLAR BO'LIMI

+998 (99) 353-55-54



telegram  
BIZNES DAILY BIRJA

3-бетда

## ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ: БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЯКУНЛАРИ

“Очиқ бюджет” порталида ташаббусли бюджет жараёнининг жорий йил биринчи мавсумида ғолиб бўлган лойиҳалар эълон қилинди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан олинган маълумотга кўра, жамоатчилик фикри асосида ўтказилган мазкур тадбирда жами 29 015 та ташаббус учун 11 миллиондан ортиқ овоз берилиб, 2 770 та лойиҳа ғолиб деб топилган. Уларни молиялаштириш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 3,3 трлн. сўм йўналтирилади.

Бу мавсумда энг кам овоз тўплаб ғолиб бўлган лойиҳалар ҳам борлиги эътирофга молик. Масалан, Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, “А. Навоий” МФЙ, “Янги ҳаёт” кўчасига тунги ёриткич чироқларини ўрнатиш лойиҳаси 12 та, Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳар маданият бўлими

моддий техник базасини мустаҳкамлаш учун 30 кв. метр сахна мониторинги харид қилиш лойиҳаси 18 та, Нурафшон шаҳри, “Учқун” МФЙнинг 26-умумтаълим мактабига бўлган қисмида 1000 метр пиёдалар йўлакчасини барпо этиш лойиҳаси 32 та овоз билан ғолиб бўлган.

Навоий вилояти, Учқудуқ тумани, “Мустақиллик” МФЙ, “Мустақиллик” кўчаси 1-3-5-7-9-11-13-15-уйлари олд қисмига асфальт ётқизиш лойиҳаси 48 та, Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳар, 2-МТМ моддий-техника базасини ривожлантириш лойиҳаси 51 та, Наманган тўқимачилик саноати институтига алоҳида

юқори кучланишдаги электр подстанция ўрнатиш лойиҳаси 52 та, Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, “Мевазор” МФЙ худудидан ўтувчи канал атрофига ҳимоя панжараларини ўрнатиш лойиҳаси 53 та, Наманган вилояти, Давлатобод тумани, “Умид” МФЙ худудидаги 1, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 18, 19, 27, 16, 17, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35 ва 52/2-кўп қаватли уйларни мукамал-жорий таъмирлаш ва туташ худудларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш лойиҳаси 56 та овоз орқали ғолибликни қўлга киритган. Наманган вилояти, Давлатобод тумани, “Истиқлол” МФЙ худудидаги 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24 ва 25-уйлар учун тақлиф қилинган худди шундай лойиҳа 61 та, Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, “Ғ. Ғу-

лом” МФЙга кўча чироқларини ўрнатиш ёки таъмирлаш (трансформатор, симёғоч ўрнатиш) лойиҳаси учун 65 та, Навоий вилояти, Учқудуқ тумани, Болалар музика ва санъат мактаби моддий-техник базасини мустаҳкамлаш лойиҳаси учун 70 та, Наманган вилояти, Давлатобод тумани, “Мустақиллик” МФЙ худудида жойлашган 6, 23, 24, 3, 4, 6, 37а, 37б, 23, 24, 34, 42, 43, 48, 46, 51-кўп қаватли уйларни мукамал жорий таъмирлаш ҳамда ушбу уйлар атрофида ободонлаштириш лойиҳаси учун 70 та овоз ғолибликка эришишни таъминлаган.

Жиззах вилояти, Дўстлик тумани марказидаги “Дўстлик” кўчасида пиёдалар йўлаги қуриш лойиҳаси 71 та, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳрининг 80 йиллик юбилейи муносабати билан шаҳарнинг шонли тарихини ақс эттирувчи музей ташкил этиш лойиҳаси 76 та овоз билан ғолиблар орасидан жой олган.

Ойдин ЛАТИПОВА.

## МАҚСАД — ЖАҲОН БОЗОРИДА ЎРИН ЭГАЛЛАШ

Миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) битимларига мувофиқлаштириш аъзоликнинг муҳим шартидир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиш жараёни доирасида Президентимизнинг 2023 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга. Зеро, унга кўра, 2023 йил 1 июлдан бошлаб ЖСТ қоида ва меъёрларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш таъқиқланган.

Халқаро ташкилотнинг ўзига хос ҳужжатларидан бири субсидиялар ва компенсация чоралари тўғрисидаги битим ҳисобланади. Унда ҳукуматнинг маҳаллий ишлаб чиқариш учун субсидиялардан фойдаланиш қоидалари, уларга қарши курашиш учун давлат кўриши мумкин бўлган муҳофаза чоралари белгилаб берилган.

Субсидия — молиявий ёрдам, ҳукумат ёки бирор-бир давлат органи томонидан тақдим этиладиган ҳамда фойда келтирадиган имтиёздир. Уни берилган деб ҳисоблаш учун юқоридаги учта элемент мавжуд бўлиши шарт. Битимда субсидиялар икки турга — таъқиқланган ва чоралар кўриш учун асос бўладиганларга бўлинади. Таъқиқланган субсидия ҳукумат томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга маълум экспорт мақсадларига эришиш ёки импорт қилинадиган товарлар ўрнига маҳаллийларидан фойдаланиш шarti билан берилди. Улар халқаро савдонини бузгани ва бошқа мамлакатлар савдосига жиддий зарар етказгани учун ташкилот доирасида қатъиян таъқиқланган. Масалан, бир давлат ҳукумати мамлакатидидаги корхонага экспорт қилиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришини субсидиялаган. Натижада, ушбу давлат товарлари бошқа бир мамлакат бозорини тўлдирган. Бунинг оқибатида



ўзга давлат маҳаллий саноати зарар кўрган. Ушбу мисол экспорт субсидияси адолатсиз рақобатга олиб келишини кўрсатади. Чоралар кўриш учун асос бўлган субсидиялар таъқиқланмаган. Бироқ, улар бошқа аъзо мамлакатлар манфаатларига путур етказса, улар томонидан эътироз билдирилиши мумкин.

Битимда субсидиянинг “ўзига хослиги” тушунчаси ҳам белгиланган. У маълум бир корхона, саноат тармоғи ва маълум бир географик минтақадаги муайян компаниялар билан чекланади. Шунингдек, экспорт натижалари ва импорт қилинадиган товарлар ўрнига маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш шarti билан бериладиган субсидиялар ўзига хос ҳисобланади. “Ўзига хослик” тушунчаси таъқиқланган субсидиялар тоифасига киради ва муҳофаза чораларини кўриш учун асос бўлади. Бу ҳолат аъзо бўлган давлат томонидан субсидияловчи мамлакат билан маслаҳатлашув ўтказилиши бўйича сўров юбориш, ЖСТ-

нинг Низоларни ҳал қилиш органига мурожаат қилиш ва жавоб чораларини кўриш каби ҳимоя тадбирларига сабаб бўлади. Агар кўриб чиқилаётган чора таъқиқланган субсидия экани аниқланса, ҳукумат уни дарҳол бекор қилиши ёки салбий оқибатларини бартараф этиши лозим. Агар бундай бўлмаса, Низоларни ҳал қилиш органи шикоят қилган давлатга жавоб чоралари (компенсация божлари)ни кўришга рухсат беради.

Шу ўринда ЖСТга аъзо бўлишда субсидиялар нега таъқиқланган деган савол туғилади. Бунга сабаблар кўп. Биринчидан, субсидия экспорт қилувчи давлат учун маҳсулот таннархини сунъий равишда пасайтириш орқали бозордаги нархларни синдириши, товарни бошқаларникига қараганда арзонлаштириши мумкин. Бу импорт қилувчи давлатларда ишлаб чиқарувчиларга нисбатан адолатсиз рақобатни вужудга келтиради. Иккинчидан, экспорт субсидиялари экспорт қилувчи мамлакат ичида ортиқча ишлаб чиқариш ва ресурсларнинг самарасиз тақсимланишига олиб келади. Чунки, саноат тармоқлари бозор талабига жавоб беришдан кўра, давлат ёрдамига қарам бўлиб қолади. Бу — глобал талаб ва тақлиф динамикаси бузилиши, бозор номуносиблиги пайдо бўлишидир. Учунчидан, экспорт субсидиялари бошқа мамлакатларнинг компенсация чораларини қўллашга ундайди, бу эса, савдо низоларини келтириб чиқаради ва кейинчалик умумий халқаро савдо муносабатлари, иқтисодий барқарорликка зарар етказиши.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, ЖСТ доирасида субсидияларни максимал даражада рад этишдан асосий мақсад — савдо тўсиқларини бартараф этиш, мамлакатлар ўртасида шаффоф, адолатли ва эркин савдо тизимини яратишдан иборат.

Бернара АҲМЕДОВА,  
Адлия вазирлиги масъул ходими.

## НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ЧОҒИДА МУАММОЛАР АНИҚЛАНДИ

“Очиқ бюджет” порталида ташаббусли бюджет жараёнининг жорий йил биринчи мавсумида ғолиб бўлган лойиҳалар эълон қилинди.

Айни пайтда “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги қонуннинг ижроси назорат-таҳлил тартибиде ўрганилганда соҳада ўз ечимини кутаётган қатор масалалар борлиги ҳам аниқланди. Жумладан, мазкур қонун айрим нормаларининг ижросини таъминлашда камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларини ривожлантиришнинг бош схемаси бугунги кунгача ишлаб чиқилмаган. Стандарт талабларига кўра, ичимлик сувининг сифати 47 турдаги кўрсаткич билан баҳоланиши керак. Бироқ, аксарият ичимлик суви таъминоти ташкилотлари лабораторияларга эга эмас. Шунинг учун бу йўналишдаги таҳлиллар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси лабораторияларида олиб борилмоқда. Аммо ушбу қўмита лабораторияларида тегишли талаблар доирасида ичимлик сувини тўлиқ таҳ-

лил қилиш ва таркибини аниқлаш имкони мавжуд эмас. Масалан, инсоннинг ошқозон-ичак, нафас олиш органларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бензол, бензапирен, полиакриламид, фенол, цианид ва бошқа моддалар ичимлик суви таркибиде таҳлил қилинмай қолмоқда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқишда йўл қўйилган хато-камчиликлар натижасида 2017-2022 йилларда 119 млрд. сўм маблағ ҳисобига амалга оширилган 67 та объект бугунги кунда ишламасдан келмоқда. 2021-2022 йилларда бажарилиши лозим бўлган 30 та лойиҳа бўйича қурилиш ишлари тегишли маблағлар ажратилган бўлишига қарамастан яқунланмаган.

Президентимизнинг 2022 йил 24 майдаги “Аҳолининг ичимлик суви таъминоти ва оқова суви хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича қў-



шимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида 2023 йил 1 январдан бошлаб юридик шахс ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи 107,5 мингдан ортиқ истеъмолчига масофадан маълумот узатувчи замонавий сув ҳисоблагичлар ўрнатилиши талаби қўйилган. Лекин, уларнинг бор йўғи 6,1 мингтаси ёки 6 фоизда бу иш бажарилган. Бундан ташқари, ҳисоблагичлардан узатиладиган маълумотларни қабул қилиш тизими ҳанузгача жорий этилмаган.

Шу каби камчиликларнинг барчаси инobatта олиниб, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б. Закировга парламент сўрови юборилди. Унда ичимлик

суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларини ривожлантиришнинг бош схемаси ишлаб чиқирилиши ҳамда унинг қабул қилинишида қандай тўсиқлар мавжудлиги ҳақида маълумот сўралди. Шунингдек, бу йўналишдаги самарасиз ва йилдан-йилга ўтиб келаётган лойиҳаларни яқунига етказиш, истеъмолчиларга масофадан маълумот узатувчи замонавий сув ҳисоблагичлар ўрнатиш, уларни қабул қилиш тизимини яратиш бўйича маълумот берилиши баён этилди.

Ислом ХУШВАҚТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати.

# БИРЖА САНОАТИ РИВОЖИ: ТЕНДЕНЦИЯ ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Жорий йилнинг 19 апрель куни Самарқанд шаҳрида “Бозор инфратузилмаси ва воситачиларнинг иқтисодиётда тутган ўрни” мавзuida “ConFEAS – 2024” халқаро анжуман ўз ишини бошлайди.

Мазкур тадбир Евро-Осиё фонд биржалари федерацияси томонидан Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси, “Тошкент” республика фонд биржаси билан ҳамкорликда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси қўмағида ўтказилади. Унда дунёнинг турли мамлакатларидан етакчи хорижий товар, фонд ва валюта биржалари, клиринг ташкилотлари, дастурий ечимлар провайдерлари ва ахборот технологиялари соҳасидаги компаниялар, халқаро молиявий ва консалтинг ташкилотларининг 200 дан ортиқ вакиллари иштирок этиши кутилмоқда. Кўзланган мақсад жаҳон биржа саноати ривожланишининг сўнгги тенденциялари ва истиқболлари, биржа савдоларини ўтказишда назорат ва инновацияларнинг тутган ўрни, замонавий капитал бозорларидаги муаммолар ва имкониятларни муҳокама қилиш, соҳанинг етакчи экспертлари ўртасида ўзаро тажриба алмашишдан иборатдир.

Маълумки, ривожланаётган мамлакатларда молия бозори инфратузилмасининг архитектурасини яратишда ушбу жараёнда иштирок этувчи институтлар тузилмаси,



уларнинг роли ва масъулиятини тўғри лойиҳалаштириш муҳим аҳамият касб этади. Улар жамоат, хусусий ёки давлат ташкилотлари бўлиши керакми, акциядорлар таркиби қандай бўлиши лозим, ҳар хил турдаги молиявий воситалар учун алоҳида бозор бўлиши шартми, деган саволлар анжуман доирасидаги сессияларда муҳокама қилиниши режалаштирилган. Ҳар бир бозор учун алоҳида ихтисослашган регулятор эмас, балки тартибга солишда

ягона ёндашувнинг муҳимлиги инobatга олиниб, бозор тузилмаси ва унинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш, савдоларда қатнашишга руҳсат беришда регуляторларнинг ўрни, назорат ва тартибга солиш вазифаларини бошқаларга ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилади. Шунингдек, ягона ва барқарор глобал молия тизимини шакллантиришга қўмаклашиш мақсадида стандарт ёндашувлар, меъёрий-ҳуқуқий базалар ва технологик интерфейсларни яратишда халқаро миқёсда ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилади. Муҳокамалар ўз ичига капитал бозорларидан ташқарида сотиладиган товарлар, валюталар, валюта бозори воситалари ва бошқа тартибга солинадиган бозорлар билан боғлиқ мавзуларни қамраб олган. Нобанк молия институтларининг долзарблиги, уларнинг ликвидлигини ошириш, молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мавзулари ҳам кўтарилади. Капитал бозори келажagini шакллантиришда нобанк молия институтларининг динамик характери билан боғлиқ муаммолар батафсил кўриб чиқилади. Муҳокамаларнинг бир қисми савдолардан кейин юритиладиган фаолиятга, шу жумладан қимматли қоғозларни сақлаш, клиринг ва риск менежмент каби хизматларга бағишланган. Алоҳида эътибор Т+3 дан Т+1 ёки Т+0 га ўтказилиши билан ҳисоб-китоб цикллари қисқариш тенденциясининг оммавийлашуви, унинг бозор ликвидлигига ҳамда рискларни камайитиришга таъсирига қаратилади. Ишбилармонлик муҳитида шаффофлик, ҳисобдорлик ва барқарорликка тўсқинлик қилувчи долзарб муаммолар муҳокамаси ҳам кун тартибидан ўрин олган. Иштирокчилар учун корпоратив бошқарув амалиёти, инвесторлар билан муносабатларни такомиллаштириш бўйича етакчи экспертларнинг профессионал қарашлари ва мавжуд ечимлар билан ўртоқлашиш имконияти берилади.

Ойдин ЛАТИПОВА.

# DAVLAT VA NODAVLAT TA'LIM TASHKILOTLARI INTEGRATSIYASINI BOSHQARISH

Rivojlangan davlatlarning ta'lim tizimi bevosita davlat va nodavlat ta'lim tizimining rivojlanishi bilan bog'liq. Bunga sabab, raqobatning kuchayishi ortidan ilg'or ta'lim texnologiyalari va resurslarning sohaga, aynan nodavlat ta'lim tashkilotlari orqali faol tarzda kirib borishidir. Bugungi kunga kelib respublika bo'yicha xususiy bog'chalar 2243 tadan, xususiy maktablar 334 tadan va nodavlat Oliy ta'lim tashkilotlari esa 53 tadan oshgan. O'z navbatida, nodavlat ta'lim tashkilotlari sonining oshishi ortidan ular o'rtasida kuchli raqobat muhiti ham shakllanmoqda.

Ta'kidlash joizki, sog'lom raqobat, bu – ta'lim sohasida ta'lim sifati, madaniyatini shakllantiruvchi, o'zini o'zi rivojlantirishga muhit yaratuvchi ko'rinmas kuch. Qolaversa, xususiy sektor davlatning ta'lim xizmatlari bilan ta'minlash yukining bir qismini o'ziga olgan holda aholining ta'lim olishiga bo'lgan ehtiyojlarini qondirmoqda. So'nggi besh yilda ta'lim tizimida amalga oshirilgan islohotlar natijasida nodavlat ta'lim faoliyatini tashkil etish uchun qo'yilgan talablarda ham bir qator o'zgarishlar bo'ldi. Jumladan, 2017-yilga qadar nodavlat ta'lim yo'nalishida faoliyat ko'rsatishni istagan tadbirkorlar 9-10 ta hujjatni taqdim etishi kerak edi, endilikda esa, ushbu hujjatlar soni qisqartirilib, 5 tani tashkil qilmoqda.

Shuningdek, bugungi kunda yangi tizim ishga tushirilgan bo'lib, tadbirkor litsenziya olish uchun murojaat qilgan bo'lsa, hujjatlarida hech qanday kamchiliklar aniqlanmasa, tizim orqali 15 ish kuni davomida tadbirkorga inson omilisiz avtomatik tarzda litsenziya chiqarib beriladi. Hozirgi kunda bog'chalar soni ko'payib, nodavlat sektorining ulushi 2017-yildagi 0,01 foizdan 33,7 foizgacha oshdi, maktabgacha ta'lim sohasida davlat-xususiy sheriklikning 10 xil shakli ishlab chiqilib, amalda tatbiq etilishiga erishildi. 2022-yilda jami 1300 ta, shu jumladan quvvati 10000 o'ringa teng 100 ta davlat xususiy sherikchiligi asosida yirik loyihalar amalga oshirildi hamda 35000 quvvatga teng 1200 ta oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarini tashkil etilgan.

Raqobat muhitining kuchayib borishi ta'lim muassasalarining, boshqaruv qarorlarini ishlab chiqish va qabul qilishda mas'uliyati va mustaqilligini oshiradi. Boshqaruv qarorlarining qanchalik samarali bo'lishi ko'p jihatdan muassasadagi boshqaruv jarayonini, uning natijalarini o'z vaqtida, har tomonlama ob'ektiv baholash bilan bog'liq. Buning uchun esa, zamon talablaridan kelib chiqib, ta'lim muassasalari boshqaruv jarayoni, uning samaradorligini baholashda zamonaviy usul va uslublarni qo'llashni taqozo qiladi. Hozirgi

vaqtda ta'lim muassasasi ichki muhitida boshqaruvning turli bo'g'inlarida samaradorlikni baholashda sodda, qulay, egiluvchan uslublar yetarli bo'lmaganligi uchun ularga ehtiyoj mavjud. Turli xarakterdagi muammolarni aniqlash, tahlil qilish va baholashga qaratilgan va eng to'g'ri qarorga kelishni ta'minlaydigan ko'p mezonli kompleks tahlil qilish va baholash usullarini ta'lim muassasalari boshqaruv jarayonida samarali qo'llash o'zining imkoniyatlari kengligi va istiqbolliligi bilan ajralib turadi. Ta'lim tizimida raqobatbardosh iqtisodchi kadrlar tayyorlashning ustuvor yo'nalishlarini belgilash va ta'lim muassasalari boshqaruv jarayoni samaradorligini baholash bozor sub'ektlarida qiziqish uyg'otadi va dolzarbligini yuqorida keltirilgan mulohazalar asosida ifodalaydi.

“Ta'lim to'g'risida”gi Qonunda va ta'lim sohasidagi boshqa me'yoriy-huquqiy hujjatlarda, maktabgacha va maktab ta'limi, Oliy va o'rta maxsus ta'limi muassasalarida ta'lim sifatini oshirish, malakali, zamon talablariga javob beruvchi yuqori malakali kichik mutaxassis kadrlarni hamda Oliy ta'lim muassasalarida bakalavriat va magistratura bo'yicha Oliy malakali kadrlar tayyorlash muhim omil ekanligi belgilab qo'yilgan.

Mamlakatimizda o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi hamda Oliy ta'lim tizimlari yo'nalishlari va ixtisosliklarining yangi klassifikatori hamda kichik mutaxassislari va oliy ma'lumotli mutaxassislarga qo'yiladigan malakaviy talablar joriy etildi. O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi hamda Oliy ta'lim muassasalari sohasidagi ta'lim xizmatlari bozorining davlat tomonidan tartibga solinishi ta'lim muassasalari o'rtasida raqobat muhitini shakllantirishga, davlat va nodavlat ta'lim muassasalarining rivojlanishini ta'minlashga, asosiy ta'lim dasturlarida ko'zda tutilmagan pullik maslahat va qo'shimcha xizmatlar tizimini rivojlantirishga asoslanadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 14-sentyabrdagi PQ-3276-son “No-



davlat ta'lim xizmatlari ko'rsatish faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Qarorida pulli ta'lim xizmatlari ko'rsatish bozorini jadal rivojlantirish, ilg'or xalqaro tajribalarni inobatga olib, o'qitishning innovatsion pedagogik shakllari, uslublari hamda zamonaviy texnologiyalaridan foydalanish asosida ta'lim sohasidagi samaradorlik va natijaviylikni oshirish nodavlat ta'lim xizmatlari ko'rsatish faoliyatini yanada rivojlantirishning asosiy yo'nalish va vazifalari sifatida belgilab berilgan.

Hududlar ta'lim tizimida malakali, zamon talablariga javob beradigan, raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash, Oliy ta'lim muassasalari faoliyati samaradorligini oshirish va takomillashtirish jarayoni bilan chambarchas bog'liqdir. Ta'lim tizimida raqobatbardosh kadrlar tayyorlash tizimini shakllantirish va rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari to'g'risida gapirilganda quyidagilarga alohida to'xtalib o'tish lozim:

- ta'limning uzluksizligini ta'minlash bo'yicha maktabga va maktab ta'limi, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limini qamrab oluvchi yangi uzluksiz va izchil tizim barpo etilganligi ko'zga tashlanadi. Ushbu yo'nalishda dasturlarning pedagog va ilmiy pedagog kadrlar tayyorlash va qayta tayyorlashning zamon talablariga moslashuvchan, ta'limning yuqori sifatli va barqaror rivojlanishini nazarda tutuvchi tizimi vujudga kelmoqda;
- ta'lim jarayonini mazmunan isloh etish masalasi bo'lib, bunda kadrlarni o'qitish va tarbiyalash milliy tiklanish tamoyillari va

mustaqillik yutuqlari, xalqning boy milliy, ma'naviy va intellektual salohiyati hamda umumbashariy qadriyatlariga tayangan, insonparvarlikka yo'naltirilgan, ta'limning mazmuni davlat ta'lim standartlari asosida isloh qilinmoqda. Ta'lim oluvchining shaxsi, unda ta'lim olishga bo'lgan ishtiyoqni kuchaytirishga, mustaqil ish tutishni, iftixor va insoniy qadr-qimmat tuyg'usini shakllantirishga alohida e'tibor beriladi.

- ilg'or pedagogik texnologiyalar, ta'limning yangi shakl va uslublari, o'quv, shu jumladan differensiyalashgan dasturlar amaliyotga joriy etildi. Yuqoridagilardan kelib chiqib, ta'lim tizimida kadrlarni tayyorlash faoliyati uchun uzluksiz ta'lim tizimining asosiy konseptual qoidalarini belgilashda quyidagi ustuvor yo'nalishlarga tayaniladi:
- uzluksiz ta'lim har qanday, shu jumladan, iqtisodiy ta'lim tizimini tashkiliy jihatdan qayta ko'rishni nazarda tutadi;
- maktabgacha va maktab ta'limi, o'rta maxsus va kasb-hunar ta'limi hamda Oliy ta'lim uzluksiz ta'limning ajralmas qismi hisoblanadi;
- uzluksiz ta'lim tizimining rivojlanishi mavjud ta'lim tizimi va uzluksiz ta'limning noinstitutsonal elementlarining yagona majmuaga integratsiyalashish yo'nalishidan borishi kerak.

Sh.R.Djumaniyazov, S. Sh. Raximova.

Давоми кейинги сонда

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар

- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
- Банкротлик

## “Future open technology group” МЧЖ кредиторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни 49-моддасига асосан жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан, жамият қўшиб юбориш ёки бирлаштириш шаклида қайта ташкил этилганда эса бу ҳақда қўшилишда ёки бирлаштиришда иштирок этаётган жамиятлардан охиригиси томонидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамият бу ҳақда жамиятнинг ўзига маълум барча кредиторларини ёзма равишда хабардор қилиши ва қабул қилинган қарор ҳақида оммавий ахборот воситаларида хабар эълон қилиши шарт. Бунда жамият кредиторлари ўзларига хабарномалар юборилган санадан эътиборан ўттиз кун ичида ёки қарор қабул қилинган тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида жамиятнинг тегишли мажбуриятлари муддатидан илгари тугатилишини ёки бажарилишини ва кўрган зарарларининг ўрни қопланишини ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидир.

100031, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 14-уй манзили бўйича жойлашган “Future open technology group” mas’uliyati cheklangan jamiyati иштирокчиларининг 2024 йил 15 апрелдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига кўра “Future open technology group” mas’uliyati cheklangan jamiyatining ташкилий-ҳуқуқий шаклини “Future open technology group” aksiyadorlik jamiyati сифатида қайта ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинганлигини маълум қиламиз.

“Future open technology group” mas’uliyati cheklangan jamiyatining барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига кўра “Future open technology group” aksiyadorlik jamiyatiga ўтади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Сиздан қонунчиликда белгиланган муддатларда мажбуриятларни бекор қилиниши ёки муддатидан олдин бажарилиши ва белгиланган муддатда зарарни қоплаш тўғрисида талабномани тақдим қилишингиз мумкинлигини маълум қиламиз.

Зангиота туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 8 апрелдаги 4-1101-2403/2918-сонли ажримига асосан “Abaz-dil Osiyo” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб қузатув жорий этилди. Муваққат бошқарувчи этиб Махмудов Бекзод Негматжонович тайинланди. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 21.05.2024 йил соат 14.00 да Тошкент вилояти ДСБ биносига – Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 79-а уйда ўтказилишини маълум қиламан. Барча кредиторлар 1 (бир) ой давомида 90-316-74-75 телефон рақами орқали мурожаат қилишлари мумкин.

### Йиғилиш қўн тартиби:

- Қарздор жамиятга нисбатан санация ёки ташқи бошқарув жорий қилиш.
- Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш очиш.
- Санация қилувчи, ташқи ёки тугатиш бошқарувчи номзодини тасдиқлаш.
- Қарздор жамият кредиторлар реестрини 21.05.2024 йил кўнига тасдиқлаш.
- Муваққат бошқарувчининг иш ҳақини белгилаш.

Кредиторларни рўйхатга олиш йиғилиш бошланишидан 30 дақиқа олдин бошланиб, 5 дақиқа қолганда тугатилади.

Йиғилишга келганлар ўзлари билан шахсларини ҳамда қарздорликни асословчи ҳужжат билан қатнашишлари талаб этилади.

## “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазма компанияси” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида ХАБАРНОМА

### Ҳурматли акциядорлар!

“Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ Қузатув кенгашининг 2024 йил 16 апрелдаги қарорига асосан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2024 йил 10 май кўни, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 107-уй бўйича жойлашган жамиятнинг бош офиси биносига ўтказилади.

Йиғилиш соат 11.00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 дан бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2024 йил 6 май ҳолатига тузилади.

### Йиғилиш қўн тартиби:

- Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
- Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
- Жамият Қузатув кенгаши аъзолари сонига ўзгартириш киритиш.
- Жамият “Қузатув кенгаши тўғрисида”ги низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.
- Қузатув кенгаши аъзоларининг воқолатларини муддатидан олдин тугатиш.
- Жамиятнинг Қузатув кенгашини янги таркибда сайлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларига эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 107-уйда жойлашган “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ биносига 2024 йил 18 апрелдан 2024 йил 9 майга қадар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача танишишлари мумкин.

Электрон почта манзили: info@uzexprocentre.uz.

Телефон: 71-238-56-21.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 2 февраль кўни 4-1001-2206/56145-сонли ҳал қилув қарори билан тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган “Premium-biznes” МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Менделев кўчаси, 8-уй манзилда жойлашган умумий ер майдони 1376,06 м<sup>2</sup> бўлган нотурар-жой биносини баҳолаш бўйича баҳоловчи компаниялар ўртасида тендер эълон қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Миробод маҳалласи, Оҳангарон кўчаси, 4-уй. Тел.: 94-634-89-30, 99-817-90-16.

Общество с ограниченной ответственностью «Единый общереспубликанский процессинговый центр» (далее – «общество»), уведомляет всех своих кредиторов о том, что внеочередным общим собранием участников общества принято решение (протокол от 1 апреля 2024 года) о реорганизации общества в форме преобразования в акционерное общество «Единый общереспубликанский процессинговый центр».

После завершения процедуры реорганизации правопреемником по всем правам и обязательствам общества будет АО «Единый общереспубликанский процессинговый центр».

По завершении реорганизации наименование, место нахождения и реквизиты общества не изменятся.

Дальнейшие требования по действующим обязательствам можно предъявлять АО «Единый общереспубликанский процессинговый центр» по прежнему адресу.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг қуйидаги ташкилотлар ҳал қилув қарори билан соддалаштирилган таомили бўйича тўловга қобилиятсиз деб топилган.

Т/р	Банкрот ҳўжалик субъектлар номи	СТИР	Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори ва санаси
1	“Qiangsheng Gufen Youxin Gongsi” МЧЖ	305264499	04.04.2024, 4-1001-2417/8737
2	“Speed-Logistica” МЧЖ	308312784	08.04.2024, 4-1001-2417/2153 ажрим
3	“Zerro oil” МЧЖ	309881060	08.04.2024, 4-1001-2417/2405 ажрим
4	“ORD VTOR Product trade” МЧЖ	310193239	08.04.2024, 4-1001-2417/4721 ажрим
5	“Golden Port” МЧЖ	205020773	08.04.2024, 4-1001-2417/4771 ажрим
6	“Osiyo savdo-rivoji” МЧЖ	308226455	01.03.2024, 4-1001-2317/49561 ажрим

Суд (тугатиш) бошқарувчиси лавозимига Аминов Хуршид Уткирович тайинланган. Кредиторлар 1-йиғилиши 2024 йил 20 май кўни соат 12.00 да Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси биносига бўлиб ўтади.

### Йиғилиш қўн тартиби:

- Қорхонанинг суд (тугатиш) бошқарувчиси ҳисоботи.
- Қорхонанинг кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 август кўнги 224-сонли Қарори ижросини тасдиқлаш бўйича тугатиш бошқарувчисининг ҳулосасини тасдиқлаш.
- Бошқа масалалар.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сиздан қорхоналарнинг ушбу кредиторлар йиғилишига ўз ишончли вакилингизни ишонч хати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар билан келишлари шарт.

Кредиторлар қарздорга бўлган талаблари эълон чиққан кўндан бошлаб бир ой муддат ичида тугатиш бошқарувчисига мурожаат қилишлари мумкин.

Юқорида номлари қайд қилинган ҳўжалик юритувчи субъектини думалоқ муҳри ва штампи ҳамда электрон калитини суд (тугатиш) бошқарувчисига эълон чиққан кўндан бошлаб 10 (ўн) кўнлик муддат ичида тақдим этилмаган тақдирда бекор қилинган деб ҳисобланади.

Суд (тугатиш) бошқарувчиси Аминов Хуршид Уткирович яшаш манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 15-мавзе, 5-уй, 11-хонадон. Тел.: 91-784-33-31.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 26 июлдаги 4-1001 2304/43453-сонли иш ҳал қилув қарори билан Чилонзор туманида жойлашган “Montes auri” МЧЖ (СТИР 306563442) ва суднинг 2023 йил 26 июлдаги 4-1001 2304/43457-сонли иш ҳал қилув қарори билан “Infinite sunshine” МЧЖ (СТИР 308762519)ларга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иши қўзғатилиб банкрот, деб эътироф этилган ва соддалаштирилган тартибда тугатишга доир иш юритиш таомили жорий этилган, тугатиш бошқарувчиси этиб А.Б. Исмаилов тайинланган. Суднинг 2024 йил 29 мартдаги ажрими билан А.Б. Исмаилов вазифасидан озод этилиб, 1-тоифали суд бошқарувчиси Бакиров Соибжон Содиқович тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2024 йил 17 май кўни Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 39-а уйда соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

### Йиғилиш қўн тартиби:

- Туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан таништириш.
- Кредиторлар талаблари реестрини тузиш.
- Ўтган кўнлар мобайнида олиб борилган ишлар юзасидан тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботини эшитиш ва бошқа масалалар.

Кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиладиган материаллар билан йиғилиш давомида таништирилиб борилади. Кредиторлар йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш йиғилиш бошланишидан 30 дақиқа олдин бошланиб, 5 дақиқа қолганда тўхтатилади.

Қарздорга нисбатан талаб билдираётган кредиторлар талабларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва овоз бериш ҳуқуқини берувчи ваколатномалар асосида кредиторлар йиғилишида қатнашадилар. Қорхона банкрот деб эътироф этилганлиги сабабли 3 кўн муддат ичида думалоқ муҳр (печать) ва тўртбурчак тамга (штамп)лари ҳамда қорхонанинг низом ва гувоҳномалари қорхона раҳбарлари ёки таъсисчилари томонидан суд тугатиш бошқарувчисига топширилмаса, йўқолган деб топилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Сирғали тумани, Олтин водий кўчаси, 2/17-уй, тел./телеграмм: 99-321-08-45.

## Сообщение

### о проведении внеочередного общего собрания акционеров акционерного общества «Международный Бизнес Центр»

#### Уважаемые акционеры!

10 мая 2024 года состоится внеочередное общее собрание акционеров АО «Международный Бизнес Центр» (далее – «общество»).

